

Жадид

2024-yil 16-avgust  
№ 34(34)  
www.jadid-media.uz

Tilda, fikrda, ishda birlik!

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

МУНОСАБАТ



## БИРЛАШАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

Биз – бир гурӯҳ адиблар, олимлар, зиёлилар ва жамоат арбоблари Остона шаҳрида улуғ шоир ва мутафаккир, бетимсол сиймой Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимига тақлиф этилгандик. Гурӯхимиз таркибида Сироҷиддин Сайид, Шуҳрат Сироҷиддинов,Faур Шермуҳаммад, Олимжон Давлаторов, Дилнавоз Юсупова, Серик Усенов каби икодор, олимлар бўйлаб барчамиз ҳаяжонда эдик.

Мен улуг бобомизга дунёда кўйилган шайкалларни эслаб кетдим. Шоир таваллудининг 527 йиллигига 1968 йилда ўш

шахрида шундай ҳайкал бўй кўрсатган эди. У шоирнинг хорижда ўрнатилган биринчи хайкали сифатида машҳур. Кейин Москва (2002), Токио (2004), Боку (2008), Шанхай (2017), Душанбе (2018), Минск (2019), Сеул (2021) каби шаҳарларда Алишер Навоийга ҳайкаллар барпо этилди. Мана, энди бу шарафли эстафетани Қозогистон Республикаси пойтакти Остона давом эттиримда.

Остона – ёш шаҳар, унинг асли номи Оқ мола эди. 1997 йилда шаҳар Қозогистон Республикаси пойтакти этиб белгилангач, Остона номини олди. Ҳозир обод ва гуллаб-гуркираб бораётган шаҳар, унда бир миллиондан ортиқ одам яшайди. Бир-би-

рига ўхшамас шинам бинолар қад кўтартган.

...1838–1847 йилларда Оқ подшо мустамлакачиларига қарши курашган жасур Қенесарихон, айни шу ерда, Ишим ва Есил дарёлари бўййда душманга қарши аёвзис жанг олиб борган. Шу сабабдан, улуг хонни Остона шаҳрининг асосчиси деб ҳам атайдилар. Бундан киргинаиллар муқаддам машҳур қозоқ ёзувчisi Илөс Есенберлининг Қенесари Қосимовга бағишиланган "Хан Кене" тарихий романини ўқигандим ва ҳайратлангандим.

(Давоми 2-саҳифада). >

ЗАМОНАМИЗ ЖАДИЛARI

## Пастдарғом Қуёши



Мактаб қуриш элнинг боласига беминнат эксон. Бугуннинг бойлари саҳий бўлсалар, мактаб курсинлар, жадид аждодлар каби авлодлар мътирифатига хисса кўшсинглар. Токи янги замон муаллимлари Мухаммадшариф Сўфиизода мактабининг пештоқидаги "Мен ул бўёқчиманки, мактаб хумиди ранг бериш, қора чапларни ўн иккى ойда оқ қиласман" деган битигини дастурларига муҳрлаб, янги Узбекистоннинг янги мактабларида Учинчи Ренессанс даргаларини камол топтирисинлар...

(Давоми 3-саҳифада). >

ФАХРИЯ



Кўчкор НОРҚОБИЛ

## ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Президентта берган ваздаси учун Рингда голиб турар Ҳасанбой яна!

Улугбек, Асадхўжа, Лазизбек, Разамбек, Абдумалик укам, олтин муборак! Олимп осмонида спорт рамзилик Акбар, Светлана боқар муштарак!


Алишер, Гуломjon, Музаффарбеким – Барчаниз шу элга фарзанд муносиб. Ўн уч нишондорим, Сизларни бугун Ўзбекистон кутлар бағрига босиб!

Сиз янги тарихим – қадр-қимматим, Шаҳдингизда миллат матонати бор! Шу юртнинг нон-тузи ҳаққи-хурмати, Сиздан халқим рози, Ватан миннатдор!

11.08.2024 й.

"ИЛМ-ҲУНАР – ДУНЁНИ БИЛИШНИНГ КАЛИТИ"

"...Абай ҳалолидан сабоқ беради. Ҳалол билан ҳаромни ажратиш, ҳаромдан ҳазар, ҳалол мол топишига ундинди. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари таркибида "ҳалол юриб, ҳалол тур", "ҳалол меҳнат – хеч қайда гуноҳ эмас!" каби мисралар учрайди. Бир ўринда: "Ҳалолни сотсанг ҳаромга, Худо қабул этарма?" деб саволни катый қўяди..."



(2-саҳифада ўқинг). >

## НАВОЙ ВА ЯССАВИЙ

БУХОРО ШОГИРДИ

Хожа Аҳмад Яссавий ҳозирги Қозогистон Республикасининг Туркистон вилоятидаги Сайрам туманида туғилиб ўстган. Бугун пайтда вилоят маркази хисобланган Туркистонда яшаб, фаолият олиб борган бўлса ҳам, у, биринчидан, ўзбек бўлган ва ўзбек тилида ижод қўлган, иккичидан, Бухорода Эроннинг Ҳамадон шаҳридан келган шайх Хоҳа Юсуф Ҳамадонийга мурид тушиб, унинг ҳузурида тасаввufий тарбия топган.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт нафар халифаси (үрингиносари) бўлган. Булар – Ҳожа Абдуллоҳ Баракий, Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Аҳмад Яссавий ва Ҳожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Ҳожа Юсуф Ҳамадонийдан кейин буларнинг ҳар бири пирлик килган, кўп муридлари бўлган.

Булардан Ҳожа Аҳмад Яссавий яссавия, Ҳожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳожагон тарикатларига асос солди. Ҳожагон тарикатини Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд янада такомиллаштириди. Шунинг учун XV асрда Абдураҳмон Жомий уни "нақшбандия" деб атади.

Алишер Навоийнинг авлиёлар ҳақидаги "Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват" тазирирасида яссавия тарикатининг охирги шайхлари рисолаларига таяниб далаолат қилишича, Ҳожа Аҳмад Яссавий Туркистон томонларга бориб, барча муридларини Ҳожа Абдулхолиқ Гиждувонийга итоат қилишга даъват этади. Бу ҳам Ҳожа Аҳмад Яссавийни Ўзбекистонимизга чамбарчас боғлаб турадиган яна бир нозик нуқталардан хисобланади.

ЯССАВИЯ ТАРГИБОТЧИСИ

"Насойим ул-муҳаббат..." – аслида, пири ва устози Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс ва ҳазарот ил-кудс" тазикирасининг ўзбекчага таржимаси. Бирок Навоий унинг айрим жойларини қисқартирган, шунингдек, яссавия авлиёлари ва ҳинд шайхлари ҳақидаги янги-янги маълумотларни киригтан. Пири ва устози Абдураҳмон Жомий ҳақида бир кисм қўшган. Бу ҳақда асарнинг "Кириш"ида у, жумладан, шундай деб ёзди: "...Ҳазрат шайх Фарибулдин Аттор қўдуси сирруҳу битиган "Тазкират ул-авлие" ўдин баъзи кибор машоийхким, "Нафаҳот ул-унс ва ҳазарот ил-кудс"га доҳил бўлмабдур эрди, ҳар қайсини муносиб маҳалда доҳил қўлдим ва ҳинд машоийҳи шарҳи ҳам озмаз әрди, они доти ҳазрат шайх ул-машоийҳи Ҳожа Аҳмад Яссавий раҳимаҳуллоҳудин бу замонага, улча мумкин бор тилаб, топиб, зикрларин ва баъзи ҳолоту сўзларин ўз мажалида дарҳ қўлдим".

"Насойим ул-муҳаббат..." нинг жами 17 фаслини Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳақида маълумот кептирилди. Айримларини юқорида эслатдик.

448-ракам билан келган Кусам Шайхнинг "турк машоийҳидин", "Ҳожа Аҳмад Яссавий хонадонидин" экани айтилади. "Турк машоийҳи" деганда Навоий яссавия шайхларини кўзда тутган.

(Давоми 5-саҳифада). >



## ХАЛҚАРО ФОРУМ

## ЮРТГА ҚАЙТГАН ЛОЧИНЛАР

Июлнинг зерикарли тунлари руҳимни эзган, жа-  
зира, ҳавосиз кунлари танимни босган паллада  
денгизи сокин, төғлари пурвиқор Озарбайжон мени  
чорлади. Қайдасан, эй Фузулий юрти, қайдасан, эй  
Низомий диёри дея Озарбайжон диаспораси томо-  
нидан ташкил этилган ёшларнинг анъанавий халқа-  
ро ёзги форумига йўл олдим. Туркман чўлларининг  
адогида ярқираб Каспий кўринди. Бокуга кўндиқ,  
бисмилло!

**Биринчи кун. Ўтганлар ёди.** Этара тонгда 60 давлат-  
дан келган 115 нафар ёш иштирокчи, тадбир аввалида  
Хайдар Алиев саройидаги жам бўлди. У ердан олимлар,  
ёзувчи-шоирлар, миллатпартвар сиёсатчилар, етук санъ-  
аткорларга ёдгорликлар ўрнатаилган "Фарҳий хиёбон"га  
йўнадик. Озарбайжон халқининг умуммиллий раҳна-  
моси Ҳайдар Алиев қабрини, сўнгра биринчи ва иккinci  
"Шахидлар хиёбони"ни зиёрат қилиб, мамлакат мус-  
тақулилги ва худудий яхлитилиги учун жон фидо этган  
қархамонлар хотирагиси хурмат бажо кептирилди.

**Иккинчи кун. Саҳарлаб йўлга тушдик.** Лочинга! Са-  
молёт Фузулий номидаги Халқаро аэропортга кўнгаркан,  
юрагимни бир истак чулғади: қанийди биз ҳам аэропорт,  
автомобилларни шундукномасас. Масалан, "Чўл-  
пон номидаги халқаро аэропорт", "Авлоний номидаги ав-  
товокзал!" Жуда гузал иш бўларди!

Ўз маромида кетаётган автобусда бирдан тантана-  
вон қўшиқ жараганди: "Лочиним, Лочиним – Ватанини  
мани!" Ҳайдовчи фарҳа билан эълон қилди: "Лочин ви-  
лоятига хуш келдиганди! Қарсақлар... Чўчиган калтраплар  
осмонга салиди гўё!

Ҳали ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, йўлдошларим ора-  
сида йиглашга тушгандарни ҳам бўлди. Шу ерда тўхта-  
сагу, тиз чўкиб, турпроқи ўлгудек бўлуб тургандарни ҳам  
бор. Ваҳоланча, уларнинг ҳеч бири Лочинда туғилма-  
ган. Ота-онаси, ёру биродарининг қиндиқ қони шу ерда  
тўкилган бўлса бордир.

Бизни миллий наволар жўргигида кутиб олиши. Қисқагина салом-алиқдан кейин хамма оромгоҳа жой-  
лашди. Бир ҳафта мобайнида янада яқинроқ таниши-  
дик. Деярли барчаси бошقا давлат фуқаролари. Лекин  
ота-онаси, отаси ёки онаси озарбайжонлик. Форумга  
саралаб таклиф этилган. Ўз соҳасида мұваффакиятга  
эришган, нуғузли жойларда таҳсил олаётган, деярли  
ҳар бири камиди уч тилда эркин сўзлашадиган ёшлар  
жамланганди.

Учинчи кун. **Форумнинг очилиш маросимида** Озар-  
байжон Республикаси Президентининг Лочин вилояти  
бўйича маҳсул вакили Масим Маммадов, Президент  
девонининг Гуманитарија миссияси, диаспора, мультикуль-  
турализм ва диний масалалар бўйими мудири Фарҳа Али-  
ева иштирок этди. Озарбайжон Республикаси Диаспора  
билан ишшаш давлат кўмитаси раиси Фуад Мурадов,  
Ҳайдар Алиев жамгармаси вакили Эвлин Асланов, Ма-  
даният вазири ўринбосари Фарид Жафаров сўзга чиқди.  
Улар диаспора билан ишшаш тархиши, буғуни ва эртаси  
ҳакида гапириб, ёшларни бирдамлика, юрт ривожи  
учун муносиб хисса кўшишга чакириди. Тадбир кўй ва  
қўшилгара уланиб кетди.

Тўртминчи кун. Тушдан сўнг борар манзилимиз Лочин  
шаҳридан 2-сонли макtab бўлди. Шаҳар озод этилгач,



ундаги бинолар ва йўллар қатори макtab ҳам қайта қу-  
ринган. Бу галги тадбирнинг номи – "Лочинликлар Ло-  
чинда". Ушибу қадимий маскандан кўпигина олимлар, зиё-  
лилар, санъат намояндадарни етишиб чиқкан.

Кейинги манзилимиз – "Ислими" гиламдўзлик корхона-  
сида "Гилаби Серамис" маркази. Лочинда ишланган  
хунармандчилик махсусотлари қадимдан машҳур бўл-  
ган. Ҳудуддаги ахолини иш билан таъминлаш ва тариф-  
хий анъаналарни давом этитириш учун бир қатор эзгу  
ишлар амалга оширилаётганинг гувоҳ бўлди. Ҳар бир  
соподаги нақш, ҳар бир гиламдаги жимжима менга юр-  
тимни эслатиб турди. Ахир тарихий илдизизмиз бир-да.

Қорабонгни ноёб ижодий лойҳаси бўлган "Хочаз-  
фильм" киностудияси Лочин шаҳридан иккита маъмурий  
бино ва суратга олиш павильонидан иборат. Студия  
номи вилоятнинг асосий тимсолларидан саналган Хочаз  
кяялари номидан олинган.

Ҳар кеч оромтоғча қайтач, бўш туриш йўқ. Озарбай-  
жон тили дарслари, рақс машғулотлари ташкил этилди.  
Сиз улардан истаганини ташлашингиз ёки ёлғиз қолиб,  
тунги тоғлар ҳавосидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

**Бешинчи кун. Шушага сафар.** Аввало, Аскерон  
қалъасига бордик. XVIII асрда Қорабонг хонлари фармо-  
нига кўра курилган қалъа билан танишага, уловимизни  
Хўжайи томон бордик. Ундан Конкендига ўтдиц. Айтиш-  
ларича, бу ҳудудда хоннинг яқин қариндошлари яшаган  
ва ҳудуд номи ҳам шундан олинган. Аслида Конкенди  
Қорабонг хонлари учун дам олиш маскани сифатида ку-  
рилган. Шунингдек, бу шаҳар кўплиб тарихий, маданий  
обидаларга бойлиги ҳамда озарбайжон милиятининг  
фаҳри бўлган инсонлар түғилган гўша сифатида алоҳи-  
да ахрапиб турди.

Нихоят. Шушага етдик. Уч томондан тоғлар билан  
уралган, қадимий бинолар ва шаҳар девори қад рост-  
лаган мъужаз шаҳарча. Шуша Озарбайжон мусиқа ва  
шеъриятининг бешиги хисобланади. 2021 йил январь  
оидага "Озарбайжоннинг маданий пойтахти", деб ёълон  
килинган. Қалъа ичига киргач, санъаткорларга кўйилган  
хайкалларга дуч келдик.

**Олтинчи кун. Конинотдан Лочинга.**

Куннинг биринчи ярмида "Озарбайжон мустақиллик  
тарики" номли семинарда бўлди. Маълумотлар ки-  
зиқарли ва фойдали эканлиги учун уч соат қандай ўтиб  
кетганини сезмай қолибмиз. Озарбайжон жадидлари-

нинг ҳаёти ва фаолияти ҳам ибратли воқеаларга бойли-  
гини хис этдим.

Тушдан сўнг, Туркияниң коинотта учган иккি космо-  
навитидан бири – Тува Жиҳангир Атасевер форум меҳмо-  
ни бўлди. Онаси озарбайжон, отаси турк Тува Жиҳангир  
Атасевер форум иштироқчиларига коинотга парвоз ва у  
ерда олиб борилган илмий изланишлар ҳакида батағ-  
сий маълумот бериб, ёшларни кизиқтирган саволларга  
жавоб қайtarди.

**Етминчи кун. Ғарбий Озарбайжон тарихи.** Бу галги  
тадбирда "Ғарбий Озарбайжонга яқиндан назар" номли  
хуҷжатли фильм намойиш этилди. Ғарбий Озарбайжон  
тарихи, маданийтини ҳалқаро ҳамжамиятга етказиша  
озарбайжон диаспорасининг ўрни ҳакида сўз юриттилди.

**Саккизинчи кун. Ёшлиш маросими.** Аввал, V ёёги  
форумнинг қисқача мазмуни акс этган видеоролик на-  
мойиш этилди. Бир ҳафта давом этган тадбирлар, се-  
миналлар, давра сұхбатлардан лавҳалар кўрсатилди.  
Сўнгра Диаспора ишлари ўйнича давлат кўмитаси раи-  
сингин ўринбосари Элшад Алиев сўзга чиқиб, йигилган-  
ларга миннатдорлик билди.

У анъанага айланган ёёги форумлар хорижда истиқо-  
мат килдайтган озарбайжонлик ёшларнинг она Ватани билан  
алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз илдизларни  
ва маданиятига бўлган муносабатини арасида қаратил-  
ганлигини айтиб, ёшларни диаспора фаолиятида фаол  
бўлишига чакириди. Сўнгра форум иштироқчиларига сер-  
тификат ва ёздалик согвалари топширилди.

Форум хорижда таҳсил олаётган ва ишшаша тадбир  
ёшларни Озарбайжондаги университетларда дарс бе-  
ришига, дунёнинг турли бурчакларида миллат ва юрт  
манбаётларини ҳимоялашча чорлаш мақсадидан ташкил  
етилган. Жангларда иштироқ этган ҳаракамонлар, кўрбон  
бўлган ўлонларнинг оила аъзолари ҳамда уруш ўчиги-  
га кўнгиллиги равишда иктиёрӣ жунаган шифокорлар  
билан бўлган сұхбатлар форум иштироқчиларини чукур  
ўйга топдириди. Мазкур учрашувлар сабаб отаси ёнаси  
озарбайжонлик бўлган ёшларнинг қалбида юрт ва унинг  
тақдирли тақдирдошлик хисси ўйғонларни уларнинг  
қўйидаги ўтдан, сўзидаги шавқдан англаш мумкин эди.  
Форум давомида ёшлар тез-тез бир шиорни тақорлди:  
"Шахидлар ўлмас, Ватан бўлинмас!"

Шаҳриёр ШАВКАТ

## АЖИНИЁЗ ҚУСИБОЙ ЎГЛИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ

Ажиниёз Қусибой ўглиниң асарлари  
нафақат қорақалпоқ адабиётининг,  
балки туркӣ адабиёт ва маънавий  
дунёсининг сирли ва сулув саройига  
айланган эди, десак муболага бўл-  
мас. Чунки Зийўар таҳаллусига эга  
шоир адабиётни янги услублар билан  
бойитди. Уни шу пайдай ўзи кўтарили-  
ган чўққидан ҳам баландликка олиб  
чиқди.

Ўзбекистон Президентининг "Атоқ-  
ли қорақалпоқ шоирни ва мутафаккири  
Ажиниёз Қусибой ўгли таваллудининг  
200 йиллигини кенг нишонлаш тўғри-  
сида"ги қарори бутун умрими адабиётга багишилган фидойи  
мумтоз адаб ижодий меҳнатининг юксак эътирофи бўлди.

Ватанини  
улуғлаган шоир

Шоир Ажиниёз чин маънода бадий адабиётнинг ривожида  
улкан бўрилиш ясашга мувоффақ бўлди. Қорақалпоқ адабиётига  
янги жанрлар, янги мазмун ва шакл олиб кирди. У асрлар давомида  
кенгликлар фалсафаси асосида ривожланниб келаётган қорақалпоқ  
адабиётини ўз даврининг олдинги тафаккури билан бойитди. Ватанини  
миллатни баралла кўйлади.

Шоир юртни жондай севди, она табиатда ўсадиган ҳар бир гиёх-  
ни кўзига тўтиё қилди: "Ийлига уч мартобат меваляб пишган, Номи  
сүтилмақдек мевалярим бордир". Ватанинг кўрку жамолини шундай  
тъярифлаш учун ажиниёзча қалб билан шундай севиш  
керак. Афсуски, ҳамма икодкорга Ватани, ҳалқи ҳакида бундай жў-  
шиб кўйлаш баҳти насиб этавермайди.

Ажиниёз маърифатпартвар шоир эди. Ҳалқининг тўлиқ саводли  
бўлиши учун мактаблар етишиётган бир даврда ўз асрлари  
орқали уларнинг муаллимига айланди. Алифбо шеърлари орқали  
адабиётимизни ривожлантириш билан биргалиқда янги тафаккури  
га эга ўқирманларни қавмини ҳам тарбиялаб бораверади.

Ажиниёз адабиётимизга мухаммас, ғазал, мурабба, руబий син-  
гари янги жанр ва шакларни олиб кириш билан бирга туркӣ шеъриёт  
учун мурракаб вазн – аргуз вазнини ҳам қорақалпоқ адабиёт-  
тига сингдириш йўлида меҳнат қилди. Шоир нафақат қорақалпоқ  
халқи учун мавзанивёт ва маърифат машъалига айланди, балки  
йиллар давомида кўшини қозоқ ҳалқи вакилларининг бори неча авло-  
ди алифбо кўрким образлар дунёсини яратиш билан биргалиқда янги тафаккури  
га эга ўқирманларни қавмини ҳам тарбиялаб бораверади.

Ажиниёз адабиётимизга мухаммас, ғазал, мурабба, руబий син-  
гари янги жанр ва шакларни олиб кириш билан бирга туркӣ шеъриёт  
учун мурракаб вазн – аргуз вазнини ҳам қорақалпоқ адабиёт-  
тига сингдириш йўлида меҳнат қилди. Шоир нафақат қорақалпоқ  
халқи учун мавзанивёт ва маърифат машъалига айланди, балки  
йиллар давомида кўшини қозоқ ҳалқи вакилларининг бори неча авло-  
ди алифбо кўрким образлар дунёсини яратиш билан биргалиқда янги тафаккури  
га эга ўқирманларни қавмини ҳам тарбиялаб бораверади.

Ажиниёз ҲАҚБЕРДИЕВ,  
"Samargand kamalak invest  
tekstil" МЧЖ раҳбари

Анвар ДАВРОНОВ,  
Пастдарғом тумани 2-сонли  
ихтисослаштирилган мактаб  
директори

ватчилар клубида ҳам ҳафта оғлан сабоқларини, ўрганаётган кўшимча билимларини синааб кўради, ақп баҳсларида гурухларга бўлинниб, дўстона  
курашади. Вилоятнинг бошқа туманларидан келган ўқувчиларни "Закват" интеллектуал ўйини бирлаштириди.

Донишмандлар айтганидек: олижа-  
ноб одатлар шахсий намуна турфайли  
шаклланади. Ҷарҳақиқат, устоzlардан  
ибрат олиб, келгусида бу ўғил-қизлар

навоий ўқув даргохига айланган ушбу  
маскандан олий таълим курортини  
юнусида ўзини ўқувчилини ўзига  
хам оғизларни таълимни ўқувчилини  
хам оғизларни таълимни ўқувчилини  
хам оғизларни таълимни ўқувчилини  
хам оғизларни таълим



# ФАЛАБАЛАР МАСКАНИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



## ДИЁРА

Япон курашида япон қизини  
Иппон усулида ютди Диёра.  
Олимп китобига гўзал исмими  
Олтин ҳарф билан битди Диёра.

Қалдирғочу, лочин кучига қаранг!  
Тан берди олмон-у, йиқилди фаранг,  
Косовога армон бўлди сўнгги жанг,  
Барчасидан бир-бир ўтди Диёра.

Олтин олиб келди ҳаммадан олдин,  
Юз олтинга тенгдир биринчи олтин!  
Нихоят ҳис қилдик ғалаба тотин,  
Зафар қадаҳини тутди Диёра.

Хушхабар шавқидан полвон элим маст,  
Кураш бу – ўтгай ким машқдан эринмас,  
Кимнинг миси чиқса, тилла берилмас,  
Олий орзусига етди Диёра.

Шоҳсупага чиқди кўзда ёш билан,  
Байроқни юксалтган магрур бош билан,  
Шу totлила лаҳзани зўр бардош билан  
Тер тўкиб, ой-йиллаб кутди Диёра.

Кувониб кутлади Миллат Сардори:  
“Балли, эй, ҳалқимнинг ғурури, ори!  
Сен боис баҳтилдири ўзбек диёри...”  
Ҳаммани баҳтиёр этди Диёра.

Диёрменинг олтин қизи Диёра,  
Тўмариснинг ёниқ изи Диёра.  
Юртимнинг юзини чаронг этган  
Ўзбекимнинг ёруғ юзи Диёра!

## МУЗАФФАР



Келбатида Алпомиш бобосининг кучи жам,  
Бойсун тогидан сакраб, ошиб келди Музффар,  
Олимп хаёли чорлаб, тинч қўймади тушда ҳам,  
Амударёдай тўлиб-тошиб келди Музффар.

Тугилган чоғ, оламга довруқ солиб юрсин, деб,  
Қўли баланд эл қурбин дилда олиб юрсин деб.  
Ислам кўймиш боболар мудом голиб юрсин деб,  
Шу исмни оқлай деб шошиб келди Музффар.

Оташнафас полвонлар юрар бунда пишириб,  
“Ким бўлсанг ҳам ўтавер, ютгайман, деб, ишқилиб...”  
Тўрт алпнинг бири бўлди мардонавор иш қилиб,  
Ким айтади, зўрлардан қочиб келди Музффар!

Олтин олмоқ, шубҳасиз, ҳар абжирнинг илинжи,  
Насиб қилди Парижнинг тиллага тенг биринжи,  
Кун келар, шоҳсупада бўлгай, албат, биринчи,  
Чемпионликка йўлак очиб келди Музффар.

Икки минг йигирма тўрт, август бошидир сана,  
Диёримга улашди янги шодлик-тантана,  
Нече гўдакни элим Музффар атар яна,  
Орзу-ҳавас ёғдусин сочиб келди Музффар.

Юртбоши юрагидан қувват олган паҳлавон  
Юрт байробин юксалти – яловбардор, қаҳрамон,  
Азалдан гонли ҳалқим, музффардирсан ҳамон,  
Шуҳратнинг янги шон кўшиб келди Музффар!



## СИТОРА

Голиссан!  
Ўқсима, синглим Ситора,  
Рингда ҳаммадан зўр ва чиройлисан.  
Рақиблар зарбингга тополмас чора,  
Ўзбекнинг чинакам Барчинойисан.



Фозил Йўлдош бобо достонидаги  
Юзи ой, қошлиари қундуз ўзинг-ку.  
Булунғурнинг тиниқ осмонидаги  
Ярқироқ ва янги юлдуз ўзинг-ку.

Юрагингда ёлқин, билагингда куч,  
Ром этдинг не қайсар қалбларни ҳатто.  
Агарда йўлнингда келиб қолса дуч,  
Енгардинг ҳақиқий алларни ҳатто.

Начора, ҳалойик кўзига қараб,  
Ножинслар исмию жисмин алишар.  
Аёли эрқаклик қипади талаб,  
Қизман деб қилпанглар хотинчалишлар.

Қартайган бу эсад дунёни кўринг,  
Келмакда не янгиш хуласаларга.  
Азалдан мардларнинг жойи бўлган ринг  
Қолдими ҳажиқиз, хунасаларга!?

Йўқ, синглим!  
Холисид Энг Буюк Ҳакам,  
Адашган карвонни йўлга солгайдир.  
Ўз баҳосин олгай фирром ҳам, ҳақ ҳам,  
Кимнинг зоти тоза – собит қолгайдир!

Шу боис кўзингда сўнмасин қеч чўғ,  
Элни шод этавер ғалабанг билан.  
Гарчи Фозил Йўлдош каби зехним йўқ,  
Ҳали шаънингга кўп битгайман ўлан...

## УЛУҒБЕК



Улуғбек бобомизнинг кенжатой набираси –  
Париж қаҳқашонини кўзлаб келди Улуғбек.  
Ўзгалар кўзи тиниб, ичга тушса нафаси,  
Оёғи билан олтин юлдуз терди Улуғбек!

Кифтга олиб Ватаннинг ўн иккى бурж, ойини,  
Шоҳсупа чўққисида эгаллади жойини.  
Қиличу камон каби сермаб-тортар пойини –  
Темурбек навқарилик чапдаст эди Улуғбек.

## СВЕТА



“Света ким?” дер фаранг,  
Ҳавас билан қарашар.  
Рақиблари, тугаб жанг,  
Жим музқаймоқ ялашар.

Ёғду сочар, ана, кўр,  
Ойнинг қизи Света.  
“Ўзбекистон” деган зўр  
Жойнинг қизи Света!

Кумуш қиз у!  
Хуш кўриб,  
Ошиқлар соч тарашар.  
Отабеклар туш кўриб,  
Ҳаёлида талашар.

Қўл-оғи чақон қиз,  
Абжир қиздир Света.  
Ўзимиздан чиқкан қиз,  
Гажир қиздир Света.

## Нодир ЖОНУЗОҚ

Шон кўшди юрт шонига,  
Қараб кўзлар қамашар.  
Шоиорлар ҳам шаънига  
Энди мақтов қалашар.

Эл алқаб, оқишини  
Хоҳлаган қиз, Света.  
Мухлислар олқишини  
Оқлаган қиз, Света.

Шод учар у уйига,  
Ниятига яраша.  
Кумуш қизнинг бўйнига  
Кумуш қандай яраша!

Йўқ, адашдим...  
Тилла қиз!  
Яна порлар Света.  
Ҳали бир кун, кўрасиз,  
Олтин олар Света!

## ЙИГИТЛАР

Ақл ва юрак кучин билагида жам қилиб,  
Рақиблар томирига титроқ соглан йигитлар.  
Соврин ё шон учунмас, номус учун жанг қилиб,  
Рингдан чиқса ҳам, қалбда муқим қолган йигитлар.

Чайир мушаги пишган кетмон билан далада,  
Қамчи остида улоқ тортган қору жалада.  
Ватан ори тикилган опатасир паллада  
Ўз ороми, тинчидан осон тонган йигитлар.

Темур бобонинг темир зарбаси сизда бугун,  
Нокасларни куллатган зардаси сизда бугун,  
Бухорий, Термизийлар далдаси сизда бугун,  
Алл муштингиз Алл төғин килур талқон, йигитлар.

“Олтин олма, дуо ол!” янграп қадимий овоз,  
Ҳам оптини ҳам дуо олсанг аммо, қандай соз!  
Дуо берган ҳалқинг ҳам, оптин оп, деб турса боз,  
Олтин олиб, бир умр дуо олган йигитлар.

Абдумалик, Баҳодир, Асадхўжа, Ҳасанбой,  
Лазизбек – Олимп узра олдингиз-ку олий жой,  
Бошингизда юксалди ҳилол – янги балқон ой,  
Қўзингиздан жимирилаб юлдуз томган, йигитлар.

Олам бугун фаволи, дунё бугун катта ринг,  
Муштими дўлайтирас муштумэўрлар, дессанг ғинг.  
Ҳалол курашган камёб, хийла-найранг эса минг,  
Сиз борсизки, эл омон, юрга қалқон, йигитлар.

Шакиз, замин тозаргай гаразу кин гардидан,  
Еру кўк зада бўлмиш каттазанглар ҳарбидан,  
Ким зўравон – йиқилгай Худойимнинг зарбидан,  
Адолат чин, золимнинг кучи ёлғон, йигитлар.



Сиз ғолисиз!  
Тантана бугун ҳар кент, қишлоқда,  
Қирқ қулоқли қозонда зафар оши пишмоқда.  
Юрт Сарвари ва миллат меҳрини сочган чоғда  
Бахтиёрлик шавқига тўйиб-конган йигитлар.

Рақиблар томирига титроқ соглан йигитлар,  
Рингдан чиқса ҳам, қалбда муқим қолган йигитлар.  
Ақл ва юрак кучи билагида мужассам,  
Олтин олиб, бир умр дуо олган йигитлар!

28 юй – 12 август 2024 йил  
Тошкент – Париж – Тошкент







## БИЗНИ КЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР

**Бир ойча олдинги гап:** қариндошимиз бемаҳал уйга кириб келди. Кайфиятсиз, дастурхондаги нонга кўл узатгулик ҳоли йўқ гўё.

**Ахволини кўриб, “Йўл бўлсин!” сўраш мажбуриятида қолдим.**

“Эшигандирсиз, иморатимга замонавий эшик-ромларни ўрнаттирганда банкдан кредит олувдим. Бу ой тўлашга имконим келмай турибди. Шунга...”

Сўнгги сўзни айтмади, айтишга тортиндиди. Демак, у қарзга пул сўраб келган.

“Кўрпангга қараб оёқ узат”, деган сўзимиз бор. Қолаверса, иморатинг эшигу деразаларини раҳматли отанг ясаганди. Уларни нима қилдинг?”

Сўровимдан сўнг ерга қаради, овози минғирлаб чиқди: “Эскилари боғ орқасидаги молхонада турибди”.

Маълум бўлдики, иккى ёндағи қўшиллари уйларига ўша замонавий деб роса мақталаётган эшик ва деразалар ўрнатишган. Хотини “Биз ҳам ўрнатайлик, қўшиллардан нима камимиз бор?” деб ҳар кун кулогини қизитгач банкка борган. Истеъмол кредити олган. Бу ёқда тайёр пулга “харидор” кўп – шу иш билан машгул тадбиркорлар зумда ўша эшик ва дераза ромларини ўрнатиб беришган. Банк эса каттагина фоизли кредитни ҳар ойда оляпти. Мухлат дегани тентакнинг муштидан тез келади.

...Синглим катта тогамнинг тўнгич ўғлинига борганида эшикни очган аёли бақириб йиглаб юборибди. Хорижда ишлаётган ўғлига бирор кор-хол бўлдими деб қўрқиб кетган синглим. Янгамиз кўз ёшларини тия олмай дардларини айтармиш: “Кунботар томондаги қўшнимиз ўйига янгича эшик-ойна ўрнаттириди. Уйи олдига бетон куйиб, кафель ётқизди. Кунчиқардаги қўшнимиз енгил машина олди. Бизлар иккى ўртада кўчага чиқишга уялиб, шумшайиб ўтирибмиз...”

Одамларда ҳашаматга муккасидан кетиш қаҷон пайдо бўлди? Бу борада ўзаро пойга нега тобора авжига чиқяпти?

...Адабиётга XIX аср иккинчи ярмида “мешчанлик” деган атама кириб келган. Европага эргашиб, ҳашаматли уйлар тиклаш, хоналарга қимматбаҳо гиламлар тўшаш, жавонларни чинни идишлар билан тўлдириш, шипга биллур қандиллар осиш ва, албатта, буларни кўз-кўзлаш пулдор одамларнинг яшаш тарзига айланган. Уларга эргашаман деган ўрта қатлам вакиллари қарзга ботса-да, қорни тўймаса-да, кераксиз жиҳозлар ҳарид қилишга умрини-соглигини курбон қилишган.

Бу одат бизга ўтган асрнинг иккинчи ярмида аста-секин кириб келди. Замона русмидан (аслида кўни-қўшнисидан) ортда қолишини истамаган хонадон эгалари ҳашамат ортидан бесар кетиши. Жавонда терилиб турган чиройли чинни идишларга ўй эгасининг хафтада бир марта кўли тегарди, унчайм чангни артиш учун. Бу идишларда чой ичиш, овқат тортиш, қанд-курс кўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Қимматлигидан ногоҳ болалари синдириб кўйишидан кўркишарди. Ўйига келган межмонинг мақтани кўрсатишарди, холос.

Бу пойгага кўшилган оилалар фарзандига янги кийим ҳарид қилиш, унинг илм олиши учун шарт-шароит яратишни иккинчи, учинчи... ўнинчи ўринга суруб кўшишгани энг ачинарлисизидир.

Мактабда яхши ўқиган, пойтахтдаги бирор олийгоҳга кириш орзузи-

да бўлган фарзандига иккى қўлини иккى ёнга ўйганча “Сени ўқитишга пулемиз йўқ”, дейишарди. Бу пайтда шифтда биллур қандил осиглиқ, жавонда ўнлаб қимматбаҳо чинни идишлар саф тортиб турарди.

Мактабда яхши ўқиган бир синфдошим айнан ота-онасининг қимматбаҳо буюм ўйниш пойгаси туфайли институт эшигини ҳатлаб ўтолмади – бир умр колхозда тракторчилик қилди...

Мустақилликнинг илк даврида ўзаро иқтисодий боғламалар дарз кетиб, одамлар чор-ночор яшаш мажбуриятида қолишгани бор гап.

турармиш. У одамга гап тушунтириб бўлмади. Яна дейди: “Ўғлим мактабни битказгач, янги машина олиб бераман, менга ўҳшаб қўшни давлатларга киракашлиғи қиласди”.

Уч минг долларга қандайдир “қимматбаҳо шиша кўза” олган ота ўғли иқтидорини намоён қилиши учун 100 долларни (пойтахтга борди-кепди ҳаражатлари учун) раво кўрмаслигини нима деб аташни билмадик. Сал кўполлашсак узр, эргатага омонатини топширас ўша кўза хотирасини ўзида сақламас, азадор тўнини кийиб кўча бошида турмас ахир!?

Йилга етгулик. Ўттиз йилда келиннинг қомати ўзгариши, йиллар ўтиб кўпгина кўйлак, кофта, пальтолар урфдан қолиши бор. Демак, фалон миллионга олинган шунча кийим жавонларда эскиради. Яна куя емасин деб, тез-тез куядори сепишларини айтинг.

Бир қариндошимиз қизи учун учтўрт сидра кийим-бош олишни талаб қилганида бир таклиф айтдим: “Кизингизга бошдан-оёқ кийим олсан. Қолган пулни (озмас, тахминимча ўттиз миллион сўмларга яқин эди) банкка қўйсак. Энг ками ишига 18 фоиз беради. Янги оиласи қозонини

рўмоллар олиб келишади. Майитни ювиш арафасида ўша матолар йигилади – иккى қолга зўроға сиғади. Азадор ўй эгаси кейин бу кераксиз матоларни сандиқка босади – эрта-индин бирор оламдан ўтса олиб боради-да. Ҳатто айримлари дўйондорлар билан келишиб, ярим баҳосига бўлса-да қайтариб топширади. Қанчалик қиммат, замонавий русумда бўлмасин бу матолардан кўйлак, лозим тикитириб кийиб бўлмайди. Ахир бу матолар ўликинг устига ёпилган.

Болалик вақтида онам раҳматли хоналардаги деразаларга бир энлик парда осардилар – ташқаридан бирор қараганда ичари кўринмаслиги учун. Вақт ўтган сари парда дарпарда қадар каттайди – ҳозир деразаларга шидан полга қадар ва яна бутун деворни эгаллаган улкан дарпардалар осилмоқда. Деразани кўя турайлик, дарпарда дегани эшикларни ҳам қоплади. Беш хоналик қишлоқ ўйда шундай эшик ва дераза дарпардаларидан камида ўнтаси осиглиқ. Бу дарпардаларнинг энг арzonи иккى миллион сўм атрофида. Ана энди бу ёғини ўзингиз хомчўт қилаверинг.

Ҳам кулгили ва аянчли ҳолат: ўша карантин вақтида “темир дафтар”га кирган бир оила эҳтиёжи учун ҳар ойда озиқ-овқат, пул мунтазам бериб турилди. Сайёр қабуллардан бирида “темир дафтар”да турган аёл ҳокимга нима деб мурожаат қилди денг: “Ҳар ой ёрдам бериб туршибиди, бунинг учун раҳмат! Аммо, илтимосим ҳеч бўлмаса кўча томондаги деразаларимга дарпарда олишда моддий ёрдам берсанглар. Шундай дарпардам йўқлиги учун қўшиллардан уяляпман”.

Отам раҳматли колхоз берадиган арзимас маошидан тежаб-тергар бир дона гилам олганини (уни ҳам олибсотардан топган) биламан – ўша вақтда етти яшар болакай эдим. Бу гилам узоқ йиллар хона деворига қоқилиб турди. Биз болакайлар гиламни силаб, роҳатлашардик ўзимизча. Ўша вақтда гилам деворга қоқиладиган ҳашам эмас, одамлар устида ўтирадиган поёндоз эканини билмасдик. Бугун ҳар бир хонадонда камида ўн-ўн бешта гилам бор. Уларнинг ярмиси хоналарга тўшалса қолганлари ўралганча деворга тиклаб қўйилади – келган межмонларни билишлари учун.

Ўртача беш киши истиқомат қиладиган хонадонда шунга ўхшаш кераксиз – “ўлии бежама матоҳлар” тахминан қанча эканлигини ўзимча ҳисоблаб кўрдим. Ўртамиёна оиласида камида кирк милион сўм атрофида. Ўзига тўйлар ҳақида айтмаяпман.

Булар қишлоқдаги ахвол, шаҳарлардаги хонадонларда бу мидор бир неча баравар кўплиги кундек равшан.

Истаймизми-йўқми бугун аксар оилаларнинг “рўзгор фазнаси”нинг катта қисми шу каби кераксиз буюмларга сарфланмоқда. Интернет тармогида турли савдо-сотиқ каналлари тинимисиз ўзларининг шунга ўхшаган матоҳларини “Замонавий яшанг! Биздан ҳарид қилинг!” деб реклами қилишлари натижасида айрим нарсалар йил ўтмай эскириб, янгилири пайдо бўлмоқда. Шу янгилирини ҳарид қилиган ўзига тўй хонадонлар бошқаларга турти беряпти. Йўқ, бошқалар кўзини қизирмоқда. Буюмбозлик, матоҳурлик шу тахлит кунаро авж олаётир.

Вақтида нашр имонидан келиб чиқиб, айрим ҳолатларга тўхтадлик холос. Барчасини ёзаман деса, томом китоб бўлгулук.

Бу оғатта қаҷон чек кўяр эканмиз? Кўя оламизим?



қаерга олиб боради?

Айни шу даврда сифатсиз, “бир мартилик” деб ном олган кийим-кечаклар, буюмлар бозорларимизни тўлдириганди. Аммо вақт келиб, ўзимизнинг мустақил йўлумизни топганимиз, ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ одамлар бой-бадавлат яшай бошладилар. Бу кескин ўсиш, айниқса, сўнгги йилларда яққол кўзга ташланди. Йигирма йил олдин юз хонадон истиқомат қиладиган элатимизда илк бора замонавий русумдаги “Тико” енгил машинасини биринчи бўллиб ҳарид қилинди. (Уям янги эмас, анчагина “чарчаган” машина эди). Буғун элатимизда деярли ҳар бир хонадонда енгил машина бор. Ёки ўша даврда ҳар ўнта уйдан биттаси томиши шифер қилинган бўлса, буғун ундан ўйнинг ўзи қолмади. Яна иморатлар олд қисмини оврўпоча таъмирлаш жадал русумга кирди. Бу ёқда эса... иморатлар ташқарисига зеб бериши билан бир қаторда ичкарисини кераксиз матоҳлар билан тўлдириш ҳам авжига чиқди. Ўша эскилик сарқити – “мешчанлик”, яни латта-путтага, турли қимматбаҳо, ялтироқ буюм-жихозларга ружу кўйиш иллати урчиди, тўғриғоғи, қайта урғфа кирди.

...Катта қизим мактабда директорнинг маънавий-маътирий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида ишлади. Иқтидорли ўқувчиларни турли танловларга тайёрлаш, олиб бориши ҳам унинг вазифасига кира-ди. Ўтган йили шундай куйинганди:

“7-синфда ўқийдиган бир ўқувчим адабиётта жуда қизиқади. Ўзим ки-чик ҳикоялар ёзади. Ѓўзганилари ада-биёт бўйича ижодий танловнинг туман ва вилоят босқичида ғолиб деб топилди. Энди республика босқичига бориши керак эди. Аммо отаси “Бормайсан!” деб оёқ тираб олибди. Отасини рози қилиш учун ўйларига бордим. Мен ўғлиниг иқтидоридан гапирсан, ота деган бефаросат танишлари орқали топган Венициан шишиасидан бўлган бир кўзани мақтайди. Бу матоҳ уч минг доллар

...Пойтахтга келишда поезд ку-песида иккى ўрта яшар киши билан ҳамхона бўллиб қолдим. Улардан бири мукаддам ўқитувчилик қилган, тоғаси енгил машиналарга газ кўйиш шоҳобчаси қургач, шу ерга оператор бўйиб ишга ўтган экан. Чўнгатги пул кўрган шекилли, йўл бўйи янги курган иморатини итали-ённ услубида қандай таъмирлагани, ваннасига Болтиқўйида ишлаб чиқарилган қимматбаҳо кафель ўрнатгани, ҳожатхонасига нақд минг долларлик эрони чиғаноқ буюргани, межмонхонасини “оточенто” русумида безатгани, беш минг долларлик мушак қандил оғсани... (Айрим курилиш ашёлари ва жихозларга ишим тушмагани учун эслаб қололмадим) ҳақида гап бериди келди. Иккичи ҳамроҳим бу борада ундан қолишмас экан – у янги олган “BYD”сини қандай безагани борми, хотинига түғилган кунида фалон долларга попъячка шуба совға қилгани-ю қизининг узатиш тўйига ўрис эстрада юлдузи Глюкозани хизматга олиб келганини оғиз кўпиртириб мақтанди. Камина ҳамроҳлар сухбатига ноилож бош чайқаган бўлдим. Мавридини топиб сўрашга журъат қилдим: “Фарзандларингизни ҳам бирор ТОП-100 таликка кирган университетда ўқитган бўлсангиз керак?” Бу саволимдан ижирғаниб, иккви юзимга ниҳоятда ажабланиб қарди...

Латта-путта йигиш мусобақаси аввало тўй нияти түғилмасдан, бола түғилгандан бошланади. “Келин сепи” аталмиш матоҳурликка кунорада дуч келамиш. Бизда – Хоразмда тўйдан олдин “келин кийинтириш” деган удум бор. Куёв томон келинни бозорга олиб боради. Тилла тақин-чоқлар ва бошдан-оёқ тўрт фасл учун кийимлар ҳарид қилинади. Бир бош эмас, кўша ва кўша. Бу ёқда тўй куни яқинлари ҳам келинга турли либосларни тўёна қилишади. Қарабисизки, бир сандик, бир кийим жавони турли кийим-кечакларга тўлади. Алмаштириб кийса камида ўттиз

қайнатишга етади ва яна кейинчалик ўзи танлаб кийим олар”. “Нима, қизим бошқалардан камми? Элда юриб турганидек кийим-бош оласизлар. Бўлмаса берадиган қизим йўқ!” Тушунтириш ортиқа эди.

...Неварам түғилганида тўйхонада “бешик тўйи” ўтказиди. Тўйдан сўнг аёллар томонидан тўё





## ҚАРДОШЛАР ДҮСТЛИГИ

Мен учун Париж Олимпиадасининг энг катта ютуғи – бу Марказий Осиё халқтарининг бир-бiri билан миссиз дарајкада яқынлашгани, бир-бiri күллаб-қувватлаб, дүстона муносабатларимиз ҳар доимидан ҳам мустаҳкамланған бўлди.

Ижтимоий тармоқлардаги изохлар, постлар, видеотасвирлар кўрсангиз, ўзбек, қозок, кирғиз, тоғик, туркман, шунингдек, Афғонистондаги ўзбеклар, озарбайжонлар, турклар ва бошқа туркий халқлар қай даражада бир-бiriга самимий мухлислик қилганига гувоҳ бўласиз. Бежиз спортни дўстлик ва тинчлик элчиси, тавдишмас экан.



Очиғи, шунақа видеоларни ёқсам ва изохларни ўқисам, кувонганимдан ҳаяжонланиб, этларим жимирлаб кетади негадир.

Олимпиада ўтади-кетади, олинган медаллар ҳам оддий статистикага айланади, аммо дўстлик абадий қолади. Дўстлик ва тотувлик ҳар қанча олтин медалдан кадрироқ.

Туркий халқлар бирдамлиги абадий бўлсин, дўстлигимизга кўз тегмасин, бирлигимизни кўра олмайдиган душманларнинг юзини тескари қўлсин!

Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
xushnudbek.uz телеграм канали

## ПУЛНИ КИМДАН ҚИЗҒАНЯПСИЗ, “БЮДЖЕТ ҚЎРИҚЧИЛАРИ”?

Шу кунларда Олимпиада ғолибларига берилган пул, уй ва уловни муҳокама қиласётган “ватаңпарвар”ларнинг постига тез-тез кўзим тушяти. Аламзода бу одамларга барibir гап таъсир қилмайди. Аммо жим туриш ҳам ғалати. Баъзи мулоҳазаларимни ёзмоқиман.

1. Ёзги Олимпиада медалларини физика, кимё, адабиёт, тинчлик, физиология ёки тиббиёт ҳамда иқтисодиёт соҳаларида Нобель, кино соҳасидаги Оскарга тенглаштириш мумкин. Аслида кейинги икки мукофот ҳар или, Олимпиада эса тўрт йилда бир марта ўтказилиди.

2. Тан олишимиз керакки. Ўзбекистон номини дунё давлатларининг сиёсий элитаси яхши билса ҳам, улар билан дипломатик алоқалар ўрнатилган эса-да, оддий одамлар орасида ҳамон давлатимизни билмайдиганлар бор. Улар учун Самарқанд, Бухоро деган тарихий шахарлар, Имол Бухорий, Навоий, Ибн Сино, Беруний деган тарихий шахслар яхши таниш. Юртимиз Осиёнинг марказий қисмидан яхинни билишади. Баъзан Покистон ё Қозогистон билан адаштириб ҳам қўйишади.

Олимпиада баҳонасида эса ана шундай қатламга ҳам Ватанининоми ва покаянисини кўрсатиб қўйдик.

3. Спортиларимиз Олимпиадада етиб боргунча озимунча ҳарахат қўлганлими? Болалиқдан спорт машғулотлари, кейинрок сафарлар ва бошқа чиқимлар. Аксари оддий оиласдан чиққанини ҳисобга олсан, меҳнатлари роҳатини кўриши керак-ку.

4. Халқимиз азалдан мард полвонларни бошида кўттарган. Ория учун моли нима экан, жонини ҳам тиккан. Шу орқали ўз фарзандларини ҳам кучли, жасур ва курашчан булишига умид қилган, шундай бўлган ҳам.

5. Охир-оқибат Олимпиада ғолибларига берилган жами пул, уй ва уловлар нархи қўшилиб, Ўзбекистон ахолисига бўлгинганда юн бошига 500 сўмдан ҳам тушмас экан.

6. Шундай давлатлар борки Олимпиаданинг бронза медалига ҳам зор. Биттагина медаль олган спортичини босиша кўтариб юриди.

7. Давлат берса шу пулни ўзбекнинг боласига берибди. Шуни байроқ қилиб, ўзидан ватанпарвар, бюджет қўриқчisi ясад олиб, ижтимоий тармоқларда шовкин солаётганларнинг мақсади нима? Ниар! Тирноқ тагидан кир кириш.

Хулоса. Туркийлар азалдан жангари, қонида кураш хисси оқсан халқ. Спортидаги ҳар барлаб бу халқа чек-сиз-чегарасиз бахт улашади. Миллионлаб одамлар бугун Олимпиада ғолибларига шон-шараф ёғдирмоқда. Одамларнинг кувончини синдиришган.

Отабек БАКИРОВ,  
Фейсбуқ

## ЗАРДА

# “Шунча бўлурми, ҳай-ҳай...”

Эскирсаям эси кирмаган бирорларни айтишича, инсонни чипор товукдан фарқи шуки, унга дон-сувдан кўра, шов-шув, олди-қочди зарил экан. Қанақасига дейишига шошмай туринг.

Хозигри узункулук за-монда энг бозоригр матоҳ бу – шир ялангоч вайн ва бетайин латифалар бўл қолди. Кўпол бўлсаям айтай, халқимизда нега қуласан, очиб қўйибдими, деган гап бор. Обуначи йигаман, зумда олами жаҳонга машхур бўламан, деб умрида театру кино читтасини исқаб кўрмаган мишиқинусхалар ҳамма нарсани “очиб қўйиб” саҳналаштирилган шармандаликларни тарқатилиши. Бу ІТдан тарқаган лавҳаларни ярми кекс, қолгани хотекис, тавбандган кетай...

Мана, бир жигит минан қиз қуvalашиб, ошонага чиқиб қолди. Икковиням кўлида тилпоп. Эр жонивор “яна биттагина... хол дегин”, деса, хотин хинди кино артисларига ўхшаб буралганича “бир кунда бир марта”, деб чандон йўргалайди. Йигитча “кел энди, яна бир марта, ўлиб қолмайсан”, дея ичкари тортиб кетди. Видеога бўлаётган зангар жигитданам шўхакан, фаросати билан қўйибдими, деб ҳам ғалати ҳам ғалати.

Катта саҳналарга чиқиб, минглаб эрқаклар ёнида беда-на юришу чуррак тuriш қилиб,



Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

Ишқилиб, атрофда у-бу ким қўриб турмаятмикан, деб алланглагунимча, ичкарида бир-бiriни оғेи томонига бosh узатиб ётволган иккича бефаро-сат шакиллатиб... шакиллатиб пабжи ўйнаяпти. Жигит ўтгур бўйтиб ҳаёлни куюнга тортиб, шуттиб аёлни ўйнинг тортиб турган жери эка-а-а-н.

Фейсбукни Куддус микроскоп даюсбук деганича бор экан. Бирор бу кимнинг кизи, кимнинг синглисио келини демайди-я. Башарасига тўнгиз терисини тортиб, алламбало макияж урган бу ойимтилларни ори кўзидиган ҳеч кими йўғумикин?! Тавбаба...

Катта саҳналарга чиқиб, минглаб эрқаклар ёнида беда-на юришу чуррак тuriш қилиб,

жаллоблик касб этган, оғиздан чиқкан бепарда гапга Қўконнинг қўйбозоридаги даллоплар дўпинси кўндаланган тишлиб қоладиган “зайфа”ларнинг тириклигини нима деб аташ мумкин?

Бунақада “Дизайн”у “Миллион”лар чангингда қоп кетади-ю, барака толкулар!

Кўшнимни бошланғич синфа-

да ўқидиган қизасини ўлчамидаги енги йўқ кўйлакка оқайикдаги гавдасини тиқсан бир жувон ўзини реклама уриб чиққанида, бечора бўз юйитларга раҳимм келганди. Тик-ток деган бир балои орниномини эшитсан юрагим гашиккан қоплондай ириплайди. Ўқиутига оғир келмасин, деб энг одобри лавҳаларни кептиряпман.

Мана яна биттаси: икки

## ТИЛБИЛИМ

# БОЖА, БАЖАНАК, БОЛДИЗ, ПОЧЧА

Булғористонлик бир танишим “бажанак”, “балдиз” сўзларини булғорлар ҳам ишлатишини айтганда. Баъзи туркӣ лаҳжаларда божа, яъни опа-сингил ёки қариндошларга ўйланганларга нисбатан “бажанак” дейилади, “болдиз” эса, ўзбек тилида ҳам “хотиннинг синглиси, қайнининг” маъносига эга. Булғорларда ҳам “баджанак” – божа, “балдиз” – хотиннинг синглиси, болдиз – маъноларига эга экан.

Хозигри булғорлар қадимги булғор туркпарни ўзларининг аждодлари деб билишади. Уларга нафақат “булғор” номи, балки қадимги булғор туркчасидаги кўпигина сўз-ўзаклар морс бўлиб қолган. Бундан ташкари, Усмонли давлати тарқибда кечган беш асрлик давр мобайнида булғор ва бошқа болқон халқлари тилларига усмонли туркчадан кўпілб туркӣ сўзлар ўтган. Шундай қилиб, ҳозигри булғор тили славян тиллари оиласига кирса-да, тагзаминида турк тили ётади.

“Баджанак”, “балдиз” сўзлари булғор тилига, бизнингча, қадимги булғор туркчасидан эмас, кейинчалик, усмонли туркчасидан ўзлашган. Чунки усмонли туркчасидаги “божа” – “басанак” (“бажанак”), “қайнининг”, болдиз – “baldiz” шакида ишлатида. Афсуски, “болдиз” ҳозигри ўзбек тилида тобора истемолдан чиқиб, ўз ўрини “қайнининг”га бутунлай бўшатиб бермоқда.

“Туркӣ тилларинг этимологик лугати”да “бажанак”нинг қадимий шакли “ба-жжа” (байранинчи бўйинчи чиқиб чўйи) бўлғанилиги айтildi. Демак, бу сўзининг “бажанак” эмас, “божа” шакли қадимийроқ экан. “Бажанак” (“бажанак”), “бажинак”, “бажинах”, “пажанак” ва ҳоказо) эса – “бажа” сўзига “(а)нақ” кўшичмасини кўшишиб билан ясалган ва бу кўшичмаси киҷайтириш маъносига эга бўлиши мумкин. Бизнингча, “бажанак” дейиси кўпроқ ўгуз лаҳжаси, хусусан, турк, озарбайжон, гагауз (кўкўғуз) ва бошқа гарбий турк тилларига хос, улар орқали бу сўз форс, араб, арман, болқон халқлари, жумладан, булғор, серб, хорват тилларига ҳам ўтган. Тоҷик тилидаги “божа” эса, бизнингча, ўзбек тилидан ўзлашган.

Шундай давлатлар борки Олимпиаданинг бронза медалига ҳам зор. Биттагина медаль олган спортичини босиша кўтариб юриди. 7. Давлат берса шу пулни ўзбекнинг боласига берибди. Шуни байроқ қилиб, ўзидан ватанпарвар, бюджет қўриқчisi ясад олиб, ижтимоий тармоқларда шовкин солаётганларнинг мақсади нима? Ниар! Тирноқ тагидан кир кириш.

Хулоса. Туркийлар азалдан жангари, қонида кураш хисси оқсан халқ. Спортидаги ҳар барлаб бу халқа чек-сиз-чегарасиз бахт улашади. Миллионлаб одамлар бугун Олимпиада ғолибларига шон-шараф ёғдирмоқда. Одамларнинг кувончини синдиришган.



Бажанаклар – Шарқий Оврўподаги гагауз (кўкўғуз) халқи аждодлари.

Баъзи шеваларда эса бу сўз “куёв”, “опанинг эри” маъноларига эга. Шу нуқта на-зардан қаралса, мазкур жиҳатлар “почча” ҳам “божа” сўзидан келиб чиқкан бўлиши мумкин, деган таҳминга олиб келади.

“Божа”, “бажанак” сўзлари этимологиси хусусида баъзи мутахассислар бу сўз асосида қадимги туркчидаги “сингил” маъносидаги “бажа” ётади, деган фикр билдиран. “Бажанак”, “болдиз” сўзлари “Девону луготит-турк”да ҳам бор. Маҳмуд Кошгари “болдиз”га “Девон”да шундай изоҳ беради: “балдиз – хотиннинг синглиси. Эрнинг синглисига “балдиз” дейилмайди, “сингил” дейилади.

“Девону луготит-турк”да “бажанак” сўзи хам учрайди. Аммо у “Девон”да “божа” маъносида эмас, балки ўгуз туркларининг эрига ўйини биринчидан номи си-фатида тилга олиниади: “ун тўққизинчиси: бўённан – бажанаклардир. Уларнинг тамағлари шундай..., дейиллиб, тамғанинг шакли кептирилди. Бошқа бир ўйинда эса Кошгари бажанакларни Румга (Византия) энг яқин жойлашган қабила сиғатида тилга олади: “Румгача чўзилган булғар, сувар, бэжонеклар тили бир хилдаги сўзларнинг охри қисқартирилган бир туркчадир”.

Шу ўйинда айтиб ўтиш керакки, Махмуд Кошгари нафақат тилчи олим, балки ўз даврининг божа илмлари, хусусан, жуғроғийдан ҳам яхшими хабардор, турклар яхшидиган көзғалини ўла-рор, у туркӣ халқлар яхшидиган худудларни қамраб олган харита ҳам яратиб, уни “Девон”га иловга қўлган. Мазкур харитада ҳам бажанаклар энг гарбий чегара – руслар, сақошиблар (славянлар) ва фаранглар (оврўполиклар) билан ёнма-ён ҳудудда

дугона – ёш қизлар катта йўлда майда қадамлар билан сопланиб, бир-бiriга суюниб келишаркан, бир йигитча арча ортидан олимпиада марафон-чисидай ҳаллослаб югурб чиқиб қолди. Салом-аликним старт нутқасидаги калта иштонида қолдирган шекилли, тўсатдан савол беряпти: “Қизла, силага савол, дунёдаги энг заҳарли илон нима учун ўз заҳридан заҳрларниб ўтмайди?” Ушбу донишсифат сўрови эгасига ақли Эйфелга етган қиз жавоб-сўроги билан аперкот кўйди: “Ока, сизгам бир сондеги энг бакувват эркеям ўзининг “захридан” иккикат бўлғомеди?” Ана сизга латофат